

Қамбарова Дилшода Равшановна

Ориентал университети  
тарих йўналиши магистри

+99891 990 32 54

kambarovadilshoda1979@gmail.com

**Аннотация:** Мовароуннаҳрда араб халифалигини ҳукмронлигини ўрнатилиши ҳамда ислом динининг кенг ёйилишининг ижобий томонларидан бири шуки, Бағдоддаги илмий академиядан ўрнак олиб Хоразмда ҳам X асрда Маъмун академияси вужудга келди ва унинг аъзолари бўлмиш ўз даврининг олиму-донишмандлари ўз ижодлари билан Мовароуннаҳр номини дунёга ёйдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шах Маъмун ибн Мухаммад X аср охирларида жанубий ва шимолий қисмларга бўлинган Хоразмни ягона бир марказга бирлаштиргди. Маъмун айниқса поитахт Гурганчни Шарқнинг энг иирик илмий-маданий марказларидан бирига айлантирган. Маъмун Гурганчда «Байтул ҳикма» (Донишмандлар уйини) ташкил қилган.

**Калит сўз ва иборалар:** ислом дини, донишмандлар академияси, олиму-донишмандлар, илмий академия, илм-фан.

**Аннотация:** Одним из положительных моментов создания Арабского халифата в Моваруннахре и широкого распространения ислама является то, что по примеру научной академии в Багдаде в X веке в Хорезме была создана Академия Маъмуна, и ее члены, ученые своего времени, своими работами распространили имя Моваруннахра по всему миру. Примечательно, что Шах Ма'мун ибн Мухаммад объединил Хорезм, разделенный на южную и северную части, в единый центр в конце X века. Мамун особенно превратил столицу Гургандж в один из крупнейших научных и культурных центров Востока. Маъмун основал «Байтул Хикма» (Дом мудрецов) в Гурганче.

Ключевые слова и фразы: исламская религия, академия мудрецов, ученые, научная академия, наука.

**Abstract:** One of the positive aspects of the establishment of the Arab caliphate in Mowarounnahr and the wide spread of Islam is that, following the example of the scientific academy in Baghdad, the Academy of Ma'mun was established in Khorezm in the 10th century, and its members, the scientists of their time, spread the name of Mowarounnahr to the world with their works. It is worth noting that Shah Ma'mun ibn Muhammad united Khorezm, which was divided into southern and northern parts, into a single center at the end of the 10th century. Ma'mun especially turned the capital Gurganj into one of the largest scientific and cultural centers of the East. Ma'mun founded "Baytul Hikma" (House of Wise Men) in Gurganch.

**Key words and phrases:** *Islamic religion, academy of sages, scholars, scientific academy, science.*

Маъмун академиясида Мовароуннаҳрлик олимлар. Хорун ар-Рашид ташаббуси билан Бағдодда илмий Марказ-Академия («Байт ул-Хикма»)-ташкил этилиб, унга барча мусулмон ўлкалари, жумладан Ўрта Осиёдан ҳам олим ва фозиллар тўпланган. Бу марказда Мовароуннаҳр ва Хуросондан келган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Марвозий, Марварудий, Жавҳарий каби олимлар Бағдод академиясини жаҳонга машхур бўлишида ўзларининг катта ҳиссасини қўшганлар. Мовароуннаҳрда араб халифалигини ҳукмронлигини ўрнатилиши ҳамда ислом динининг кенг ёйилишининг ижобий томонларидан бири шуки, Бағдоддаги илмий академиядан ўrnak олиб Хоразмда ҳам X асрда Маъмун академияси вужудга келди ва унинг аъзолари бўлмиш ўз даврининг олимудонишмандлари ўз ижодлари билан Мовароуннаҳр номини дунёга ёйдилар. Шунингдек ўлкамиз ҳудудидан ислом дунёсининг энг мўътабар шахслари етишиб чиқдиларки, уларнинг номи Ҳозирги кунгача ҳам дунёвий, ҳам жухровий илмининг юқори поғоналарида турибди.

Хусусан илм-фан маданиятимиз тараққиётида IX—XII асрлар даврининг ўрни бекиёсdir. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шах Маъмун ибн Муҳаммад X аср охирларида жанубий ва шимолий қисмларга бўлинган Хоразмни ягона бир марказга бирлаштириди. Маъмун айниқса пойтахт Гурганчни Шарқнинг энг йирик илмий-маданий марказларидан бирига айлантирган. Маъмун Гурганчда «Байтул ҳикма» (Донишмандлар уйини) ташкил қилган. У Маъмун академияси деб ҳам аталган. Бу масканда улуғ мутафаккирлар Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ибн ал-Ҳаммар, Абу Сахл Масихий, Ибн Ирок, Аҳмад Фарғонийлар ижод қилдилар. Шунингдек улар орасида Шарқнинг кўпгина мамлакатларидан келган улуғ алломалар ҳам бор эди.

Донишмандлар уйида ўзидан ўчмас из қолдирган, буюк мутафаккирлар орасида алоҳида таъкидлаш лозим бўлган шахс бу - Абу Райҳон Берунийдир. Абу Райҳон Беруний мутафаккир, серқирра олим астрономия, тарих, тиббиёт, риёзиёт, жуғрофия, геодезия, метеорология, этнография, фалсафа, филологияга оид 150 га яқин асарлар яратган. Бу асарлар Беруний номини жаҳонга таратди. Шунингдек, Шарқда дастлабки Глобусни Абу Райҳон Беруний 1016 йилда ясаган. У фақат Шимолий ярим шардан иборат энг биринчи бўртма (рельефли) Глобус бўлиб, аҳоли яшайдиган жойлар аниқ кўрсатилган. Глобуснинг диаметри қарийб 5 м бўлганлиги маълум (масштаби 1:2 500 000). Беруний ўзи ясаган Глобус ҳақида «Геодезия» асарида ёзиб қолдирган.

Буюк мутафаккир ҳамда қомусий олим, Абу Райҳон Берунийнинг номини келажак авлодга етказиш мақсадида, бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан:

1. Ал-Берунийнинг она шахри 1957 йил унинг шарафига Беруний номини олган.
2. 1973 йил академик И.М.Мўминов томонидан Ўзбекистонда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказилган.
3. Тошкентдаги Шарқшунослик илмий-текшириш институти Абу Райҳон Беруний номини олган.
4. Тошкентдаги Беруний метро станцияси.
5. Тошкент ҳамда Хоразмдаги Беруний ҳайкаллари.
6. Тошкент техника университетига ҳам Беруний номи берилган.

Мовароуннахр диёридан етишиб чиққан буюк олимларнинг илмий мероси ҳақида кўп жилдлик китоблар ёзилганда ҳам камлик қилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Улуғ аллома Абу Райҳон Беруний, т ўлиқ исми Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний бўлган. 973 йил 4 сентябрда қадимги Хоразмнинг Кот шахрида (ҳозирги Беруний шахри) туғилган. У ўз ижоди билан Хоразм фанини юксак чўққига олиб чиқди. Унинг сиймосида ўрта асрлар Шарқининг қомус ул-илими, астрономи, географи, маъданшуноси, этнографи, тарихчиси, тилшуноси, шоири мужассамлашган. Аллома қаламидан фаннинг турли соҳаларига оид жуда кўп йирик асарлар чиққан бўлиб, бу асарларида унинг ана шу соҳаларни ниҳоятда яхши билган тадқиқотчи, фанда янгидан янги йўллар очган донишманд бўлган. Аллома ёшлигидан илмга ташна бўлган бу ҳақда “Мен болалик чоғимданоқ – деб ёзган эди Беруний – ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга интилдим. Бунинг далили сифатида қуидагини келтириш кифоя: – биз турадиган жойга бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳакозаларни олиб бориб, унга қўрсатиб ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб, номини ёзиб қўяр эдим”.<sup>1</sup>

Берунийшунос олим П.Г.Булгаковнинг маълумотига қараганда, Беруний Абу Наср Ироқ раҳбарлигига ёшлигидан риёзиёт ва фалакиётни ўрганиб, 16-17 ёшларидаёқ Қуёшнинг чошгоҳдаги баландлигини армила билан ўлчаган. Орадан 30 йил ўтгач, Беруний ёшлигига ўзи ўлчаб олган натижаларни таҳлил қиласар экан, улар анчагина ишончли бўлганлигини таъкидлайди. Ёшлик йилларида у қуёш тутилишини кузатиш билан шуғулланади. Аллома 22 ёшида Марказий Осиёда биринчи бор ер глобусини яратди. Ўзидан олдинги аждодлар қолдириб кетган кўплаб китобларни ўрганади ва бизгача етиб келган, турли халқларнинг йил ҳисоблари ҳақидаги ilk йирик асари – “Осорул боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”)ни яратади. Унда юнонлар, римликлар, форслар, суғдийлар, хорзамийлар ва бошқа кўплаб қабила ва халқларнинг барча даврлари, байрам ҳамда тақвимлари, шунингдек Шарқининг турли мамлакатларининг маданият ва адабиёт тарихи тўла баён этилган. Бу асарда

<sup>1</sup> Ўзбекистан Республикаси Президентининг «Хорезм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тутрисида» ги фармони. «Ўзбекистан адабиёти ва санъати», 1997 йил. 17 ноябрь.

Беруний ўзини фақат элшунос олим эмас, балки тилшунос, араб, юонон, форс, сурёний ва бошқа тил ҳамда адабиётларнинг билимдони сифатида намоён этди.

998 йилда Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмагир уни ўз шахрига таклиф қиласди ва Берунийга олий лавозим, яъни вазирликни таклиф қиласди. Аммо илмга ташна Беруний бу таклифни рад қиласди ва илм билан шуғулланади. Бундан ташқари у Журжониядалигида ўзининг “Осорул боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарини яратди. 1004 йилда у Хоразмшоҳ Маъмун II нинг таклифига биноан Гурганчга қайтиб келади ва Гурганчда шоҳ номидаги “Маъмун академияси”ни барпо этади.

Бу академияда Абу Али ибн Сино, Мискавайх, файласуф Абу Саҳл Масиҳий, математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ, таржимон ва ҳаким Абул Хайр ибн Хаммор, адиб ва шоир Абу Мансур ас-Саолабий, Зайниддин Журжоний ва бошқа ўнлаб олимлар илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшдилар ва ажойиб асарлар яратдилар. Маъмун даврида Хоразм иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан мислсиз даражада тараққий этди, дунёнинг энг нуфузли савдо марказига айланди. Хоразм устидан ўтиб, ғарб билан шарқни боғлаб турган йўл орқали савдо карвонлари бу ўлқадан дунёнинг турли бурчакларига дехқончилик, ҳунармандчилик маҳсулотларидан тортиб, ҳарбий асбоб-анжомларгача олиб кетишарди. Бу ерда турли кемасозлик корхоналари ҳам ишлаб турганлиги маълум. Бундай қўламдаги хўжаликни бошқариш ва катта савдо-сотиқни йўлга қўйиш учун илм-фан математика, геометрия, астрономия, жуғрофия, ботаника, химия фанларининг тараққиёти зарур эди. Шу зарурият туфайли илм ва ижод аҳли ташкилий жиҳатдан бирлашиб, фаолият қўрсатганлар. Барча қадимий илмий манбаларда бу жамоа “Дорул ҳикма” (“Донишманлар уйи”) деб аталганки, бу “академия” мазмунига тўғри келади. Кейинги асрлардаги манбаларда бевосита “академия” сўзи қўлланилаётганлиги ҳам буни тўлиқ исботлайди.<sup>2</sup>

Ваҳоланки, ўтмишни англаш киши камолотини таъминловчи энг асосий омилдир. Президентимиз айтганларидек, “Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”.

Марказий Осиё халқлари буюк тарихга эга. 992 йил шимолий ва жанубий Хоразм ҳукмдорлари ўртасида бошланган уруш натижасида шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад ғалаба қозонади ва 995 йилда Хоразмшоҳ унвонини қабул қилиб, Гурганчни пойтахт деб эълон қилди. Амударёнинг қуий оқимида жойлашган Гурганч бутун Марказий Осиёда йирик иқтисодий, сиёсий марказлардан бирига айланади. Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар карвонлари шаҳарда тўхтаб, Устюрт орқали Волга бўйига чиқиб, Қора денгиз атрофига, Европа томон йўл олардилар. Устюртдаги ўша даврда серқатнов бўлган карвон йўлларининг қолдиқларига кўра, улар

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» ги қарори. «Халқ, сузи», 2004, 10 ноябрь.

Хоразмдан чиқиб, икки томонга кетган: бири Учқудук, Булоқ, Қўшбулоч, Белеули орқали шимолий-ғарбга, иккинчиси Манғишлоқ тарафга йўналган. Бу йўллар бўйлаб тошдан тикланган истеҳкомлар ва карvonсаройлар жойлашган. Шунингдек, бу ҳудудда Алан қалъа, Шемаха қалъа, Девкеслан қалъа шаҳарларини хароба қолдиқлари топилган.<sup>3</sup>

Берунийнинг устози Абу Наср ибн Ироқ ўз даврининг ўта билимдон олими эди. У тириклигигидаёқ “ўз даврининг Птолемейи” деган лақаб олганди. Ундан ташқари Абу Наср Берунийни ўз хонадонида тарбиялаб вояга етказган. Ана шу икки буюк сиймо туфайли Гурганч саройида илм аҳли учун идеал шароит яратилади. Бу икки шахс яқин ва ўрта шарқдаги кўплаб олимлар билан шахсий ёзишмада эдилар. Ибн Ироқ ва Берунийнинг таклифлари билан 1004 йилдан бошлаб Нишопур, Балх ва Бухородан ва ҳатто араб Ироқидан ҳам олимлар Гурганчга кела бошладилар. Шу тариқа Гурганчда “Дорул ҳикма” номини олган илмий муассаса тўла шаклланади. Бу илмий муассасада худди Бағдоддаги “Байтул ҳикма”даги каби илмнинг барча соҳаларида тадқикот ва изланишлар олиб борилади. Беруний келтирган маълумотларга кўра, бу ерда сурён ва юонон тилларидан баъзи таржималар ҳам бажарилган. Али ибн Маъмун вафотидан кейин (1009) унинг укаси Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун Хоразмшоҳлар таҳтини эгаллайди. У Берунийни саройга таклиф қиласи ва ўзига энг яқин маслаҳатчи қилиб олади. Бунинг оқибатида Маъмун академияси фаолияти учун янада каттароқ имкониятлар очилади. Қирқдан ошиқ олимлар ишлаб фаолият кўрсатган илмий марказда ўз даврининг етук инсонлари математика, астрономия, руҳият, химия, мантиқ, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, таълим-тарбия, адабиёт, мусиқа, география, геодезия, топография, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, уларнинг келажакда жаҳон миқёсидаги ривожига замин яратганлар.

Қирқдан кўпроқ олимлар ишлаб фаолият кўрсатган илмий марказда ўз даврининг етук инсонлари математика, астрономия, руҳият, химия, мантиқ, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, таълим-тарбия, адабиёт, мусиқа, география, геодезия, топография, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, уларнинг келажакда жаҳон миқёсидаги ривожига замин яратганлар.

Бирок бу академиянинг умри қисқа бўлди, 1017 йилда Хоразм йирик истилочи Султон Маҳмуд Фазнавий қўл остига ўтди. Ҳазорасп шаҳри яқинидаги жангда Хоразм қўшини ғалабага эришаётган бир пайтда турклар ёрдамида ва Ҳиндистондан етиб келган филлар қўшини ёрдамида Султон Маҳмуд Хоразм қўшинини янчиб ташлади. Хоразм қўшини лашкарбошилари филлар оёғи остида топталди, пойтахт Гурганч таланди, Хоразмшоҳни қатъий талаби ва кўмаги или Гурганчдан юонон, яхудий, араб ва бошқа халқлар вакилларидан иборат кичик илмий карвон Абу Али ибн Сино бошчилигига чиқиб кетдилар.

<sup>3</sup> Абу Райхон Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига (тўплам. Тошкент, «Фан», 1973).

Султон Маҳмуд шаҳарда қолган олимларни баъзиларини даҳрийликда айблаб қатл қилдирди, қолган машхур олимларни ўз мамлакатининг пойтахти Ғазна шаҳрига олиб кетди ва бу ерда Беруний “Ҳиндистон тарихи” асарини ҳамда 1025 йилда “Геодезия”, 1030-1041 йиллар оралиғида “Ал-Қонун ал-Масъудий”, 1041-1048 йилларда “Минералогия” ҳамда “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” асрларини яратди. Алломанинг фан тараққиётига қўшган ҳиссаси жуда улкан бўлиб, у 152-та рисола яратган, шундан 30 таси бизгача етиб келган. Юқорида айтиб ўтганимиздек Абу Райҳон Беруний бундан минг йил олдин Ҳиндистонда бўлиб, унинг тарихи, маданиятини ўрганиш учун қадимги ҳинд ёзуви – санскритни ўрганиб, ўзининг машхур “Ҳиндистон” асарини ёзган.<sup>4</sup> “Ҳиндистон” ҳажми жиҳатдан жуда катта асар бўлиб, унда ҳинд адабиёти, фалсафаси, аниқ фанлар, география, элшунослик, қонун ва урф-одатлар, дин, тарихий-диний ривоятлар, ҳинд ёзувининг турлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу асар тўғрисида иирик ҳинд давлат арбоби Жавоҳарлал Неру жумладан шундай деган: – “Беруний юонон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўргана бошлади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистан Республикаси Президентининг «Хорезм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тугрисида» ги фармони. «Ўзбекистан адабиёти ва санъати», 1997 йил. 17 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» ги қарори. «Халқ, сузи», 2004, 10 ноябрь.
3. Абу Райҳон Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига (тўплам. Тошкент, «Фан», 1973.
4. Садуллаев А., Сотлидов А. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий илдизлари.-Нукус: Урганч, 2003.

<sup>4</sup> Садуллаев А., Сотлидов А. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий илдизлари.-Нукус: Урганч, 2003.